

## Бақара сураси, 167-оят

08:00 / 03.01.2018 3869

**Ва эргашганлар: «Қани энди бизга бир ортга қайтиш бўлса эди, биздан тонганларидек, биз ҳам улардан тонар эдик», - дерлар. Аллоҳ уларга амалларининг ўзларига ҳасрат бўлганини ана шундай қилиб кўрсатур. Ва улар оловдан чиқувчи эмаслар. Бақара 167.**

Қиёматдан бир кўриниш: ҳамма ўзи билан овора, биров билан бировнинг иши йўқ. Пешволар, бошлиқлар, бу дунёда бошқаларни ўз ортидан эргаштириб юрганлар ўзларига эргашганлардан тонадилар. Ҳа,

**«У пайтда эргашилганлар азобни кўриб, эргашганлардан тонарлар...»**

Чунки ўзининг иши чатоқ бўлиб турганда, бошқанинг ташвиши ортиқча бўлади уларга.

**«...ва сабаблар ҳам улардан кесилар».**

Азобни кўргач, уларнинг ораларидаги барча боғланишлар, алоқалар, яқинликлар кесилади. Ёруғ дунёда Аллоҳга эмас, бошлиқларига муҳаббат қўйиб, уларга эргашиб, уларнинг айтганларинигина қилганлар ҳам у пайтда итоаткорликни, пешволаридан қўрқишни йиғиштириб қўйиб:

**«Қани энди бизга бир ортга қайтиш бўлса эди, биздан тонганларидек, биз ҳам улардан тонар эдик», - дерлар».**

Яъни «Қани энди, у дунёга яна бир боргина қайтсак, пешволаримиз биздан ҳозир тонганларидек, биз ҳам улардан тонар эдик», - дейдилар. Лекин бунинг иложи йўқ.

**«Аллоҳ уларга амалларининг ўзларига ҳасрат бўлганини ана шундай қилиб кўрсатур».**

Яъни Аллоҳ таоло уларга Ўзига хос ажойиб услуб билан ўзларининг қилган ишлари ўзларига ҳасрат бўлиб қайтганини кўрсатади.

**«Ва улар оловдан чиқувчи эмаслар».**

Улар энди дўзах оташида абадий қолажаклар.